

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистонда жами 37,3 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 фоизни ташкил этди.



Тўзал кунлар келишини кўтма. Унга тўмон бормоғингни унутма. Жалолiddин Ғумий

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил 10 июль шанба № 88 (4528)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



## Кун нафаси



Президентимиз «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунини қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



2021 йил 9 июлда Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоева Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси О.Мальгиновни қабул қилди.



«Қўқон шаҳрида II Халқаро хунармандчилик фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра, Самарқандда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир ва драматург Машраб Бобоев таваллуднинг 80 йиллиги кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очкиқликни таъминлаш масалалари қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан Марказий Осиёда тадбиркорлик ва инвестициявий фаолият учун ҳуқуқий муҳитни яхшилаш лойиҳаси доирасида халқаро арбитраж ва шартномаларнинг ижро этилиши масалаларига бағишланган халқаро вебинар уюштирилди.

8 июль куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Фурқат Сиддиқов Қатарнинг «Al Jazeera» медиа-корпорацияси бош директори Мустафо Суаг билан онлайн-мулоқот ўтказди.



Ўзбекистон Кинематография агентлигида Ўзбекистон ва Тожикистон киноижодкорлари ҳамкорлигида янги кинолоийҳаларни яратиш бўйича онлайн мулоқот ташкил этилди.

Фанлар академияси Тарих институти, «Ўзархив» агентлиги, Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Польша Миллий хотира институти ҳамда Иккинчи жаҳон уруши музейи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида анъанавий «Тошкент ёзи» рейтинг турнири старт олди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## ҲАЁТ МУВОЗАНАТИГА ПУТУР ЕТМАСИН... ЁХУД ДАРАХТЛАРНИ АСРАНГ, ЁРОНЛАР!



Фахриддин Ҳотамов олган сурат

Статистик маълумотларга кўра, ер юзининг 20 фоизи яшил ҳудуд ва ўрмонлардан иборат. Ана шу дарахтзорлар бутун тириклик оламини кислород билан таъминлай оладиган муҳим манбалардан биридир. Атроф-муҳит мусоффолиги, турли наботот ва ҳайвонот олами учун ҳам улар жуда муҳим саналади. Мухтасар айтганда, дарахтлар ҳаёт мувозанатини сақлаб туради. Агар уларга зиён етса, табиатга, демакки, борлиққа ҳам путур етади. Афсуски, сўнгги пайтларда дарахтларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлмоқда... Айтмоқчи бўлганимиз шунки, ҳаёт мувозанатига путур етмасин... Дарахтларни асранг, ёронлар!

Кун даъвати

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтади.

Форумнинг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустақамлашдан иборат.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти, Покистон Ислоом Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, бошқа хорижий давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ва компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг раҳбарлари иштирок этиши режалаштирилган.

Форум иштирокчилари ялпи

ва шўба мажлисларида минтақавий боғлиқликни янада мустақамлаш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш имкониятларини муҳокама қиладилар.

Кун тартибидан савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ва инновациялар, «яшил» технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, кооперация бўйича аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида шерикликни кенгайтириш, икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан батафсил фикр алмашиш ва биргаликда тақлифлар ишлаб чиқиш урин олган.

## Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига

### ОЧИҚ САВОЛЛАР

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгандан сўнг иккинчи ўқш учун қайтарилган эди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтганда ҳамки, бу масалада ҳамон сокинлик. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилишга тўсқинлик қилаётган омиллар нималардан иборат?

Жанубий Кореяга бориб ишлаш истагида бўлган аҳолидан тушган «Е-8» ва «Е-9» визалари бўйича кўплай мурожаатлар юзасидан яқинда Жанубий Корея давлатида бўлиб қайтдиңиз. Бу масалада қандай натижаларга эришилди?

Ўзбекистонда ноқулай об-ҳаво шароитида, хусусан, айни кунлардаги каби аномал иссиқликни бошидан кечираётган ишчилар учун меҳнат муҳофазаси қай даражада йўлга қўйилган? Агар бу борада кемтикликлар бўлса, истиқболда нималарни амалга ошириш зарур?




## Габриэль Гарсиа Маркес: Хемингуэй яхши романавис эмас...

4-саҳифада ўқинг...



## ВАТАНПАРВАРЛИК МУКОФОТ МИҚДОРИГА БОҒЛИҚМИ?



Халқимиз «Бўлмаганга бўлишма», деган гапни бежиз айтмаган. Унинг мазмун-моҳиятини бугунги кунда янги ўнқўрғонликлар ҳам жуда яхши ҳис этишмоқда. Сабаби – орадан неча йиллар ўтса-да, мутасаддилар улارнинг биргина муаммосини ҳал этишни пайсалга солиб келишмоқда. Жабрини эса оқддий одамлар тортмоқда.

## Жиззах вилояти

Ёш ижодкорларнинг 30-мин семинари 24 йилдан бери деярли ўзлуксиз ўтказиб келинмоқда. Ўрик-лисойда ташкил этилган навбатдаги тўрт кунлик семинар ўз ниҳоясига етди.

Сўлим табиатнинг сеҳрли кучида анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда назм, наср, адабий танқид, бадий таржима, болалар адабиёти, бадий публицистика, драматургия каби йўналишларда таниқли адабиётшунослар, ижодкорлар ва журналистлардан сабоқ олишди.

Назм ихлосмандлари Хосият Рустомова, Сирожиддин Рауф, Салим Ашура каби таниқли шоирлардан шеърят сирларини



ўзлаштириб, ўз ижодларига баҳо олишди. Шойим Бўтаев, Исажон Султонов, Нурулло Чориев, Жавлон Жовлиев каби ёзувчилар эса ёшларни наср-

боров ёшларга «синчилик» сирларини ўргатишди.

Йўналиш ва мавзулардан келиб чиқиб, турли жанрларда ижод намуналари ўқилди. Соҳаларда эришилаётган натижалар, кузатилаётган камчиликлар, сабаблар, оқибатлар ижод нўқтани назаридан таҳлил қилинди.

Бадий публицистика йўналишида жанрлар ранг-баранглигини таъминлаш, болалар адабиётига оид асарларни кўпайтириш, ижодий ишларда ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, драматурглар сафини кенгайтириш каби масалалар ҳам атроф-лича муҳокама этилди.

Бу йилги анжуманда рус адабиёти йўналишида ҳам ёшлар ўз билимларини бойитди. Николай Илин ўтказган машғулотларда

## Ижод олами

улар бадий маҳорат ва ижод сирларига оид зарур маслаҳатлар олди. Ижодий ишлар таҳлил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли анжуман давлатимиз томонидан ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси сифатида катта тайёргарлик ва ташкилотчилик билан ўтказилди. Шу боис, тадбирнинг яқиний қисмида устоз ижодкорлар ва иштирокчилар 30-мин семинари адабиётимиз тараққиётида муҳим ўрин ташини эътироф этишди.

Семинар сўнгида барча иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг пул мукофотлари топширилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

## Ишчи гуруҳ фаолияти

Қашқадарё  
вилоятиАввал «Аёллар дафтари»да...  
сўнг санаторийда

Яккабоғ туманининг «Пахтакор» маҳалласида яшовчи Нодира Қодирова бир неча йил бундан олдинги шамоллатди. Бора-бора оёғи букилмайдиган, яхши юролмайдиган бўлиб қолди. Бу ёқда – касаллик, у ёқда икки боласи «ейман-ичаман», деб турибди.

Ночорлик, иложсизлик ис-канжасида қолган бир паллада касабани уюшмалари, маҳаллий ҳокимлик ҳамда маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳи вакиллари келиб, аёлнинг шароитини ўрганишди ва уни «Аёллар дафтари»га киритишди.

Эндиликда унинг болаларига нафақа пули берилди. Ҳам бу виллоятдаги 30 нафар «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қиз

оғир ҳаракатлар, тезда ҳансираб қоларди. Насиба муолажалардан ташқари санаторийнинг иқлими ҳам хуш ёққанини айтиди.

– Юртимиздаги жазирамани кўриб турибсиз. Муборак чўлларидаги иссиқни эса тасавуур ҳам қилолмайсиз. Ана шундай синовли кунларда «Қашқадарё соҳили»да дам олдим. Менга, айниқса, бу ернинг арчалари



– Рост, бунчалик бўлади, деб кутмагандим. Бизга кўрсатилган хизмат ва эътибордан қалбим тўлқинланди, руҳиятим кўтарилди.

Дехқонободлик Гулфица Бекпўлатова автохалокат туфайли 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Даволашни учун оила навбатда турарди. Аммо аёлнинг қорига «Аёллар дафтари» оро кирди. Мана, санаторийда муолажалар олишни бошлади. Айтишича, танасидаги оғриқлар камайиб, кўзлари равшан тортган. Беморлиги сабаб эътиборсиз бўлиб қолган экан, Қарши шаҳри бўйлаб қилинган саёҳатдан ҳам яхшигина таассурот олибди.

Тан олиш керак, юртимизда санаторийда умуман дам олмаган хотин-қизлар жуда кўп. Турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, буни ҳатто ҳаёлига келтирмаганлар бисёр. Аммо инсонпарварлик билан йўғрилган «Аёллар дафтари» юргизилаётган экан, жафокаш аёлларимизни сиҳаттоҳларда соғломлаштириш даражаси йилдан-йилга ўсиб боради. Бунга имонимиз комил...

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

қаторида «Қашқадарё соҳили» санаторийида дам олиш имконига эга бўлди.

– Бу ерда тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиб, муолажа белгилашди, – деди Нодира опа. – Танамдан оғриқлар чекинди. Оёғим ҳам жонланиб, эркин юрадиган бўлдим...

Мазкур гушага Муборак тумани «Кончилар» маҳалласидан келган Насиба Исмоилова

ёқди. Мўъжизанинг ўзгаси! Арчаларнинг инсонни шифобахш ҳаво билан тўйинтириши рости экан. Саломатлигимни анча тиклаб олдим.

Касби тумани «Қоратеп» маҳалласида яшовчи Нодира Чориева бош оғриғидан азоб чекарди. Озгина иссиққа қон босими кўтарилиб кетарди. У ҳам бу сўлими масканнинг шифобахш хусусиятини мақтаб гапирди:

Қорақалпоғистон  
Республикаси

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари» корхонасининг бошланғич касабани уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда Мўйноқ шаҳрида «Бошланғич касабани уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Билим ва кўникмалар  
муштаҳамланди

Унда энергетика, нефть-газ ва геология тармоғининг Қорақалпоғистон Республикасидаги корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган бошланғич касабани уюшма кўмиталари раислари, уларнинг ҳисобчилари, тафтиш комиссияси аъзолари ва фаоллар иштирок этишди.

Ҳазаро мулоқот тарзида кечган ўқув-семинарда касабани уюшма ташкилотларида ишларни режалаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш, касабани уюшма маблағларини белгиланган мақсадларга сарфлаш, касабани уюшмаларида йўлланмалар олиш тартиби, доимий комиссияларни шаклланди.

Хоразм  
вилоятиСамарқанд  
вилоятиҚишлоқ қиёфасини  
ўзгартирган ташаббус

Эллик ёшга кирадиган умрим эшикка қараб ўтди. Қўлида бир хўнари бўлмаган аёл эдим. Рўзғор юмушлари ўз йўлига. Аммо жамиятнинг тенг аъзоси сифатида мен ҳам ўз ўрнимни топишим керак, деган ният кўнгилда тугён урарди...

Мўҳаббат ТўРАБОВА,  
«ISHONCH»

Бир кун хонадонимизга касабани уюшмалари вакиллари ташриф буюришди. Армонга айланаётган орзуларимни яшириб ўтирмадим. Ишчи гуруҳи вакиллари дардларингизни «Аёллар дафтари» га киритдик, дея кетишди.

Кўп ўтмасдан бизга касб-хўнара ўрганиш учун таклиф келди. Икки нафар ҳамқишлоғим билан Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида аёллар сартароши хўнараини эгаллаб, қишлоққа қайтдик.

Биз яшайдиган «Себустон» маҳалласи Каттақўрғон туманининг энг чеккасида жойлашган. Тоғ этагидидаги гўшамизда яшовчи айримлар эгаллаган касбимиздан мийғида кулди ҳам. Қишлоқда бу хўнара билан яшаб бўладими, дегувчилар ҳам топилди. Аммо аёл тоғдами-чўлдами, қай манзилда яшамасин, нафосатга интилади. Ўқишни тугатганимиздан кўп ўтмай

Мўъжаз маскан  
таровати

Хоразм виллоятининг Тўпроққалъа тумани «Тўпроққалъа» аҳоли пункти ҳудудидида гўзаллик салони иш бошлади. Ўтган йили йўллар асфальт қилинганда қишлоқ аҳли қанчалик қувонган бўлса, мўъжаз салоннинг ишга тушишидан ҳам шўнчалик суюнди. Қарийб қирқ йилдан сўнг шундай шароитга эга бўлиш ҳазилакам гап эмас-да.

– Ободонлаштириш идорасида ишлайман, – дейди Гулшоода Отамуродова. – Шу қишлоққа келиб бўлиб тушганимдан бери бир марта сочимни турмаклатмаганман, ясан-тусан қилмаганман.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан Тўпроққалъада қад ростлаган гўзаллик салони айни мўддао бўлди. Айни вақтда бу ерда уч нафар аёл иш бошлади.

Зебо Собирова – уларнинг бири. Гап шундаки, у кўпдан бери тўй-тантаналар муносабати билан ўз уйида маҳалладош аёлларнинг сочини турмаклаб келарди. Сартарошлик фаолиятини йўлга қўйиш ёшликдаги орзуси эди. «Аёллар дафтари» га рўйхатга қўйилгач, шу нияти амалга ошди.

– Яқин орада фаолиятимни янада кенгайтириш учун косметологияни ҳам ўрганаётганиман, – дейди Зебо Собирова.

Камсуқумгина Гулмира эса шу пайтгача қўлига қайчи тутиб кўрмаган эди. Турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, 4 фарзандини едириб-ичириш учун ўзини ўққа-чўққа урди. Мутасаддиларнинг кўмаги билан «Ишга марҳамат» марказида соч турмаклашга ўқиб қайтди.

– Доимий иш билан таъминланганим мушкулимни анча осон қилди, – дейди у. – Айниқса, бундан болаларимнинг боши осмонда. Чунки шу вақтгача уларни оғир меҳнат билан боқиб келатган эдим. Ўқув-курсини тамомлаганимизда сартарошлик буюмларини ҳам совға қилишди. Ортиқча оворагарчилиги сарф-харажатсиз гулдаи хўнара соҳибасига айландим.

Дарвоқе, бундай гўзаллик салони виллоятнинг Хива, Шовот, Янгиариқ туманларидаги чекка қишлоқларда ҳам ўз фаолиятини бошлади.



қишлоғимизга касабани уюшмалари томонидан мўъжаз, ихчам, кўчма «Гўзаллик салони» келтирилганида кўпчилик ҳайратга тушди.

Ҳозирги кунда мўъжаз қошомаиз қишлоқ аёллари билан гавжум. Шаҳ-

зода Ўлжаева, Нурбодом Мирсалиева билан ишни бошлаб юборганмиз. Шу чоққача беш юз нафардан ортиқ хотин-қизга орасталик бахш этдик. Қўшни қишлоқлардан келиб, «Гўзаллик салони» хизматидаги фойдаланаётганлар ҳам кўпаймоқда. Эндиликда катта турмуш остонасида, тўй тадоригини кўраётган қизларга анча қўлайлик яратилди. Оворагачиликларга барҳам берилганидан, аёлларимизнинг мушуқли осон бўлганидан барча мамнун.

Мен айтмоқчи эдимки, ушбу «Гўзаллик салони» фаолияти билан биргина менинг эмас, қишлоқнинг қиёфаси ўзгармоқда. Бунинг учун ташаббускорларга раҳмат!

Дилноза ОВОДОВА,  
Каттақўрғон тумани  
«Себустон» маҳалласидаги  
«Гўзаллик салони» мудираси

Ўқув-семинар

тириш, уларнинг иш режаларини ишлаб чиқиш ва фаолиятини йўлга қўйиш каби мавзуларда сўз юритилди.

– Ўқув-семинар давомида тармоқ тизимидаги бошланғич касабани уюшма ташкилотларида амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Раҳматилла Жўраев. – Хусусан, меҳнат жамоаларида ўтказилаётган тадбирларнинг ташкилий жиҳатлари, олиб бориладиган ишларни тўғри ташкил этиш, ҳужжатларнинг тўғри юритилиши борасида зарур тушунириш ва тавсиялар берилди. Шу билан бирга, бошланғич ташкилотлар раисларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар берилди.

Ўқув-семинарда нафақат назарий, балки мавзуга оид амалий машғулотлар ҳам ташкил этилиб, иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари муштаҳамланди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари  
Федерацияси Матбуот хизматиТошкент  
шаҳриҲамма нарсага  
эришиш мумкин

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касабани уюшма кўмитаси бошланғич ташкилотлари ўртасида бўлиб ўтган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.


– 185 та бошланғич таш-

килот иштирок этган мазкур танловда 100 тагача аъзоси бўлган ташкилотлар орасида биринчилик виллоят болалар сил касалликлари санаторийси касабани уюшма кўмитаси, иккинчи ўрин виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, учинчи ўрин эса Ихтисослаштирилган ав-

тотранспорт корхонасига насиб этди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулноза Тошпўлатова. – Ғолиблар кўрик-танловнинг виллоят босқичига тавсия этилди.

Шунингдек, юқори натижаларни қайд этган 10 та ташкилот рағбатлантирувчи мукофотларга лойиқ кўрилди. Совриндорлар дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Муроджон ОХУНОВ,  
Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касабани уюшмасининг  
Тошкент шаҳар кенгаши  
ташкилий ишлар бўйича бош  
мутахассиси



Тошкент вилояти

# САНСАЛОРЛИК қачон барҳам топади?

Қибрай туманидаги «Янги ўнқўрғон» МФЙ аҳолиси тахририятимизга йўл масаласида яна мурожаат йўллабди. Ҳолбуки, улар олдин ҳам бу борада бир неча марта ёрдам сўрашганди. Биз шикоят хатларини ўрганиб, газетамизнинг 2018-2019 йилги сонларида «Ўрқачли йўлнинг кўринмас ўловлари», «Етим йўл» ҳамон «мехр»дан мосуво. Мутасаддилар ваъдабозлиги қачон тугайди?», «Алдагани матбуот яхши(ми?) ёки мурожаатларга панжа ортидан қараш ҳамон давом этмоқда» сарлавҳали танқидий мақолалар эълон қилган эдик.

Аҳолининг айтишича, шундан сўнг масъул шахслар ғамга қилинган. Худуддаги Р.Азизжўраев кўчасининг 1-1,5 километрида капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Аммо одамларнинг қувончи узоққа чўзилмаган. Негаки, бошланган иш поёнига етмай, ўлда-жўлда қолиб кетган. Шу боис, улар бизга такроран мурожаат қилишган.

Маҳалламиздаги автомобиль йўли анчадан буён капитал таъмирга муҳтож, – дейди Каттабўғ 6-берк кўчаси, 18-уйда яшовчи Сабоҳат Аъзамова. – Унда на пидедалар йўлакчаси бор, на ёритиш ускуналари. Марказий йўлда чуқур ва чуқурчалар шу қадар кўпки, транспорт воситасини биридан олиб қочмоқчи бўлган ҳайдовчи иккинчисига тушади. Бундан-да ачинарлиси, «кўпурқачли» йўл касофатидан маҳалладошларимиз хусусий автомобилларини тез-тез таъмирлатишга мажбур бўлишмоқда. Айна шунга кўра вилоят автомобил йўллари бош бошқармасига мурожаат қилдик. Жавобни ўқиб, йиғлашимизни ҳам, қулишимизни ҳам билмай қолдик. Нима

эмиш, бу йўл жорий йилнинг учинчи ва тўртинчи чорагида Молия вазирлиги томонидан ажратилган кўшимча лимит маблағлари доирасида босқичма-босқич таъмирланар экан. Ўз-ўзидан савол туғилади: тўртинчи чорада асфальт ётқизиш бўлармикан? Очиги, беш йилдан буён олди-қочди жавобларни олавериб, эшитавериб чарчадик. Мутасаддилар қачонгача кўшимча пуч ёнғоққа тўлдиришади? Ҳамма нарсанинг ҳам чеки-чегараси бор-ку, ахир!

Бизнинг назаримизда, сўнги пайтларда бунақа ҳолатлар бошқа шаҳар-қишлоқларда ҳам авж олаётгандек. Чунки кўп жойларда йўлларни қуриш ёки таъмирлаш ишларининг чала қолиб кетаётганини кўряпмиз.

Хўш, бу нимадан далолат? Маблағ йўқ десак, бугун айнан шу йўналишга бюджетдан катта миқдорда пул ажратилмоқда. Ҳатто юқори минбарлардан туриб ички йўллар ва кўчалар ободлигини таъминлаш зарурлигини бот-бот ўқтиришмоқда. Аммо баъзи раҳбарлар муаммоларга негадир ҳамон панжа



Бухоро вилояти

орасидан қарашаётир. Бу эса одамларнинг ҳақли эътирозларига, уларнинг келажаққа ишончи суғлашишига сабаб бўлаётир.

Дарвоқе, халқимиз «Бўлмаганга бўлишма», деган гапни бежиз айтмаган. Унинг мазмун-моҳиятини бугунги кунда янгиўнқўрғонликлар ҳам жуда яхши ҳис этишмоқда. Сабаби – орадан неча йиллар ўтса-да, мутасаддилар уларнинг биргина муаммосини ҳал этишни пайсалга солиб келишмоқда. Жабрини эса оддий одамлар тортмоқда.

Энди ҳолисона айтинг-чи, халқ дардига бундай эътиборсизлик тоқайгача давом этади? Сансалорликка қачон қатъий чек қўйилади?

Биз масъуллардан ушбу саволларимизга аниқ жавоб ва муаммога қатъий ечим кутиб қоламиз.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,  
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Кўрик-танлов

## Навбат – республика босқичига

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда 28 та ташкилот фаол қатнашди.

Кўрик-танловда аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар ўртасида ИИВ Бухоро академик лицейи 1-ўринни банд этган бўлса, аъзолари сони 100 нафардан зиёд бўлган ташкилотлар ўртасида Бухоро «Муруват» ноғиронлиги бўлган болалар учун интернат-уйи ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашади.

Бахтиёр БАҲРОМОВ,  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

## «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чеklangан жамияти мўлкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақдир этилади!

Очиқ аукцион савдоларида «TOSHSANHARTRANSXIZMAT» АКга қарашли «TOSHKENT TRAMVAYI» унитар корхонаси ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мўлк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидан тақдоран қўйилмоқда:

**1-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли ва Оқ йўл кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 70 кв. метр, фойдали майдони 55,25 кв. метрдан иборат бўлган №39-сонли «Тол-Арик» трансформатор биноси. **Бошланғич баҳоси – 180 770 000 сўм;**

**2-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамш» 2/1 мавзеси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 78 кв. метр, фойдали майдони 59,64 кв. метрдан иборат №41-сонли «Ўразбоева» подстанцияси. **Бошланғич баҳоси – 258 870 000 сўм;**

**3-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2973,0 кв. метр, қурилиш майдони 690 кв. метр, фойдали майдони 575 кв. метрдан иборат №54-сонли «Пограничная» ним тортиш станцияси. **Бошланғич баҳоси – 5 194 220 000 сўм;**

**4-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 274 кв. метр, фойдали майдони 234,44 кв. метрдан иборат №71-сонли подстанцияси. **Бошланғич баҳоси – 603 600 000 сўм;**

**5-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 88 кв. метр, фойдали майдони 69,60 кв. метрдан иборат №88-сонли подстанцияси. **Бошланғич баҳоси – 256 450 000 сўм.**

**Талабгорлар диққатига!**  
Аукцион савдолари 2021 йил 29 июль куни соат 15:00 да ташкил этилади.

29.07.2021 йил санасида аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2021 йил 5 август ва 2021 йил 12 август кунлари соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши

белгиланган кундан бир кун олдин соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик). **Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мўлк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиз миқдордаги закатат пуллари тўлашлари;  
– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси, СТИР нусхаси;  
– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш куни ичида Сотувчи, яъни «TOSHKENT TRAMVAYI» унитар корхонаси билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мўлк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун ҳар бир мўлк бўйича 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорда тўлов тўлашни лозим.

Аукцион савдоларида ғолиб бўлган талабгор мўлк сотилиши қийматининг 2 фоизи миқдорда комиссияни йўғимини аукцион савдолари ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида савдо ташкилотчисининг ҳисоб-брақамига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**Закатат тўлови учун рекузитлар:** «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, банк: «Қишлоқ қурилиш банки» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйилган мўлк билан корхона ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзили:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 24А-уй. **Тел.:** (93) 476-40-00. **E-mail:** kmfauktion@mail.ru  
**Лицензия № RR-0297**



Мулоҳаза

# ВАТАНПАРВАРЛИК

## МУКОФОТ МИҚДОРИГА БОҒЛИҚМИ?

Халқаро нуфузли мусобақаларда Ватан номини улуғлаш юртини чин юракдан севадиган спортчи учун ҳар қандай моддий манфаатдорликдан устун, албатта. Лекин шундай бўлса-да, ўша ватанпарварлик қанчага баҳоланиши кўпчиликини қизиқтириши табиий. Зеро, спортчиларнинг нуфузли мусобақаларда минг машаққат билан эришган ютуғини муносиб тақдирлаш азал-азалдан таомилга, анъанага айланган.

Хая, жаҳондаги жуда кўплаб давлатларда олимпия ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда зафар кучган спортчилар тақдирланиб, уларга муайян имтиёзлар берилди. Чунки улар ватанини улуғлашда, шарафлашда минглаб миллионлаб ёшларга ўрнак бўлишади, ахир!

Давлатимиз раҳбарининг «2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат спортчилар, мурабийлар ва мутахассисларнинг рағбати, балки ўзбек спортининг янада раванга учун ҳам муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ, дейиш мумкин.

Ушбу ҳужжатда Олимпия ва паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши қайд этилган. Яъни Токио олимпия

ўйинларида олтин медаль учун – 200 000 АҚШ доллари, кумуш медаль учун – 100 000 АҚШ доллари, бронза медали учун 50 000 АҚШ доллари берилди. Айтиш жоизки, мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Энди узоқ ва яқин хоржий мамлакатларда Токио-2020 олимпия ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медаллари учун бериладиган давлат мукофотлари тақсимотига эътиборингизни қаратмоқчимиз (*Жадвал*).

Таъкидлаш жоизки, қайсидир давлатларда Олимпия ўйинларидаги ютуқ учун анчайин кўп, қайсиларида эса кам миқдорда мукофот пули ажратилади. Яна қарерлардадир бундай «бошогриқлар»га умуман эътибор берилмайди.

(Мукофотлар АҚШ доллари ҳисобида)

№	Давлат	Олтин	Кумуш	Бронза
1	Сингапур	1 млн.	500 минг	250 минг
2	Индонезия	746 минг	378 минг	188 минг
3	Қозоғистон	250 минг	150 минг	75 минг
4	Озарбайжон	248 минг	124 минг	62 минг
5	<b>Ўзбекистон</b>	<b>200 минг</b>	<b>100 минг</b>	<b>50 минг</b>
6	Италия	166 минг	83 минг	48 минг
7	Венгрия	125 минг	89 минг	71 минг
8	Ҳиндистон	103 минг	67 минг	48 минг
9	Франция	55 минг	22 минг	14 минг
10	Россия	54,5 минг	34,5 минг	23,3 минг
11	АҚШ	37,5 минг	22 минг	15 минг
12	ЖАР	37,5 минг	19 минг	7 минг
13	Германия	22 минг	17 минг	11 минг
14	Канада	15 минг	11 минг	8 минг
15	Австралия	13 минг	10 минг	6,9 минг

тида қабул қилинади. Масалан, Буюк Британия, Швеция, Хорватия каби мамлакатларнинг спортчилари жаҳон чемпионати ва олимпия ўйинларидаги ғалабаси учун давлат ғазнасидан тақдирланмайди. Спортчиларнинг ютуғи куч-қудрат тимсоли, кучлилик намойиши, ватанпарварлик тантанаси сифатида эътироф этилади.

Дунёдаги кўпгина давлатларда спортга муносабат бошқача. Инчунин, бизда ҳам. Айтиш мумкинки, давлатимиз спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги, ай-

ниқса, олимпия ўйинларидаги иштироки ва ғалабасини умумхалқ муваффақияти сифатида эътироф этмоқда.

Бундай ёндашув эса халқимизнинг соғлом турмуш тарзи «зинапоёси»дан қадим-бақадим кўтарилиши, жамиятда саломатлик пойдеворини мустаҳкамлаб, яқин келажақда саломатлик шоҳсупасига чиқишига хизмат қилади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,  
журналист



Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 2-касб-хунар мактаби (собиқ Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи) томонидан 2008 йилда Рустамова (Камолова) Гулираъно Улуғбековна номига берилган К № 1066036-рақамли «Банк иши» йўналиши бўйича берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Наманган вилояти

Фаолият

Мақтабгача таълим:

## МУҚОБИЛ ГУРУХЛАР ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ?

Бугун ҳар бир ота-она фарзандни боғчага беришдан олдин у ернинг шарт-шароитлари билан жиддий танишаётгани бор гап. Сабаби аён: айрим тарбиячилар ўртасида юз берган қўнғилхиралликлар, болаларнинг ризикдан ўмарилар, шароитнинг ёмонлиги, мудирларнинг порахўрлиги акс этган бир қанча лавҳалар интернет тармоқларида чиқиб, ўз исботини топди.

Албатта, бу ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайд. Аммо болажонлару уларнинг ота-оналари бу даргоҳдан рози бўлиши учун мутасаддилар имкон даражасида ҳаракат қилишаётгани ҳам бор ҳақиқат. Хусусан, жойлардаги бир неча боғча қошида муқобил гуруҳлар очилаётгани ана шундай ҳақиқатлар самарасидир.

Тўрақўрғон, Норин, Косонсой ҳамда Чуст туманларида Мақтабгача таълим вазирлиги ҳамда УНКВФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси ва маблағлари ҳисобига боғчалар қошида муқобил гуруҳлар ташкил этилди. Барча шарт-шароитларга эга бу гуруҳларда айна пайта «Аёллар дафтари» да рўйхатда турган хотин-қизларнинг фарзандларига ҳам бепул таълим-тарбия берилди.

Туманимиздаги 37-давлат мақтабгача таълим ташкилоти қошида очилган муқобил гуруҳларга ҳозирда жами 30 нафар бола қамраб олинган, дейди Тўрақўрғон тумани мақтабгача таълим бўлими давлат

шўба раҳбари Муҳаббат Каримова. — Муқобил гуруҳларда иш олиб боровчи тарбиячилар UNICEF томонидан ўқитилиб, махсус сертификатни қўлга киритган ходимлардир. Гуруҳлар ўзига хос тарзда жиҳозланган бўлиб, кутубхонасидан тортиб ўйин майдонларигача болажонлар ёшига мос ҳолатга келтирилган.

Мақтабгача таълим вазири Агриппина Шин ҳамда UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамадзода яқинда Наманган вилоятининг тўртта туманида ана шундай муқобил гуруҳларнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, шу кунга қадар Наманган вилояти мақтабгача таълим бошқармаси тизимида 400 та янги нодавлат оилавий мақтабгача таълим ташкилотининг фаолиятига оқ йўл тиланди. Яратилган янги имкониятлар ҳисобига вилоят бўйича болаларни боғчаларга қамраб олиш сони 10 минг нафарга ортди.

Орзуғул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»



## Габриэль Гарсиа Маркес:

### Хемингуэй яхши романнавис эмас...

**Нобель мукофоти совриндори, буюк адиб Габриэль Гарсиа Маркес турли сўхбат ва интервьюларида адабиёт ҳамда ёзувчилар ҳақида ўз фикрларини билдирган. Жумладан, Эрнест Хемингуэй хусусида ҳам ўзига хос хулосаларини айтган. Қуйида унинг мулоҳазаларини ҳавола этамиз.**

\*\*\*

Ўйлашмиш, Хемингуэй яхши романнавис эмас, аммо у ажойиб ҳикоялар ёзган. Унинг романлари қурилишини яхши деб бўлмайди. Аксинча, исталган ҳикояси — ушбу жанр қандай бўлишини аъло даражада кўрсатиб қўйган. Биласизми, Хемингуэйнинг нимаси менга кўпроқ ёқди — романлари эмас, ҳатто ҳикоялари ҳам эмас, кўпроқ берган маслаҳатлари, ёзувчилик борасида билдирган очиқ фикрларини ёқтираман.

\*\*\*

Хемингуэй услуб ва адабий сиебат ҳақида ўргатмайди, адабий техника ва методи тушунтиради. У берган тавсиялар яхши. Улардан бири, айсеберга алоқадор — ташқаридан жуда жун кўринган ҳикоя бўлиб, аслида унинг ичида катта миқдорда ўрганилган материал жамланган. Айсбергнинг биз кўриб турган қисми ҳайбатли бўлса-да, у бутун массанинг саккиздан бирини ташкил қилади, саккиздан этиси эса сув остига яширинган. Биринчидан, бу чиндан ҳам шундай, иккинчидан, ёш ёзувчилар бун-



Долзарб мавзу

# Кези келганда ТУПРОҚ, кези келганда ТЎҚМОҚ

ёхуд бола тарбиясида  
гипергамхўрликнинг зарарлари

Дунё руҳшунослари замонавий «касаллик» — гипергамхўрликнинг асоратлари ҳақида бонг ўрмоқда. Ҳақиқатан ҳам, шундай ота-оналар борки, улар фарзандларига ҳеч бир ишни ишониб топширмайди, буюрмайди. Баъзан жигаргўшаларини шунчалар авайлаб, папалайдикки, натижада... Ҳаётда кимгадир тобелликка мойил, меҳнатга лаёқатсиз болалар сони йилдан-йилга ортиб борапти. **Гипергамхўрлик, бу — даврнинг ўзига хослигимми ёхуд ота-онанинг бола тарбиясига нотўғри ёндашуви? Ўзбекистон психологлар ассоциацияси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бўлими раҳбари, руҳшунос Шоира ИСОҚОВА билан сўхбатимиз шу мавзуда кечди.**

— Шоира опа, аввало, муаммонинг илдизлири ҳақида гаплашасан...

— Бугунги давр ота-оналари аввалгилардан анча куюнчак, ўта масъулиятли. Бунга бир мисол келтирамиз: мутахассисларнинг ўрганишларига кўра, 1971 йил Буюк Британияда 8 яшар болаларнинг 10 тадан 8 нафари ўзи мақтабга бориб келган бўлса, 2001 йилга келиб, ўтадан фақат битта бола мақтабга мустақил қатнаган. Энди реал ҳаётда ўзимиз кўрган-билган, болалик, ўсмирлик йиллари билан боғлиқ хотираларни эслайдик. Ҳа, ҳозир 10-14 яшар бола бундан ярим аср, ҳатто 20-30 йил олдинги давр ўспиринлари босиб ўтган йўллардан ўтишини, улар бажарган ишларни урдадагини тасаввур қилиш қийин. Аслида, темир лавуланган оловда тобланади. Кекса авлоднинг аксарияти ана шу «оловли» синовлардан ўтган. Уларни ота-оналари (меҳрисизлиги ёки ёмон кўрганидан эмас, узоқни кўзлаб) папаламаган.

— Боланинг мустақиллигини чеклаш қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкин?

— Яна бир мисол айтаман сизга: қабулимга келган бир она «...болам кўчага чиқмайди, қишқам, ўзига ўртоқ топмайди, дарров уйга қайтиб келаверади. 10 яшар болани доим уйлатиб юрولмайман-ку!», деб арз қилди. Сўхбат давомида

билдимки, аёл 10 йил давомида боласини фақат ўзи уйнатган, тенгқурлари ўрнига доим ўзини тақлиф қилган. Демак, бола ихтиёрий эмас, ота-онанинг ортиқча назоратига кўникиб кетгани учун мустақилликдан қўрқадди.

Ота-оналар бир нарсани тушунишлари лозим. Яъни болага фойдали тажриба керак. Бола ўзига ишониши, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга очик кўз билан қараши учун аввал улар билан озми-кўпми юзма-юз бўлиши, тўқнаш келиши керак. Боланинг ҳар қадамини ўлчаши, уни оғоҳликка қаҳиравериб унинг фикрлаши ва ишлага қобилиятига путур етказиши. Бундай вазиятда бола камқувват, худбин, кўрқок, лоқайд бўлиб, нима истаганини ўзи билмай ўсади. Иқтидорни сезмайди, ўзини синаб кўришни ҳам истамайди. Аслида чақалоқ туғилган куниданоқ ўз ҳаёт йўлига эга бўлишга интилади. Ҳақиқат шуки, болани ўта зарур пайтларда етаклаш, қузатиш керак, холос.

— Баъзи ота-оналар «Болам зерикиб қолмасин, фойдали...», деб фарзанди 3-4 хил машғулотга беради. Бу қанчалик тўғри?

— Аслида зерикиб ҳам боланинг ривожланиши учун руҳий заруратдир. Агар боланинг заруратларини режалаштириб, ташкиллаштириб бораверсан-

гиз, у бўш қолганда нима қилишини билмай, қийин аҳволга тушади ва ўзи билмаган ҳолда ноҳўя ишларга ҳам қўл уриши мумкин.

— Ҳар бир инсон фарзандининг, итоткор ва меҳрибон бўлишини хоҳлайди. Бунинг учун кўпроқ меҳр бериш лозим деб ҳисоблайди. Шу сабаб у билан вақтини кўпроқ ўтказишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат бола тарбиясида ва унинг келажагида қандай ўрин тутиши мумкин?

— Шу ўринда бир ривоят ёдимга тушди: бир киши кўпчилиكنинг олдида «Бу фақат менинг айтганларимни қилади», деб ўғлини ура бошлади. Одамлар «Тавба, боласининг итоткорлигидан хурсанд бўлиш ўрнига уни нега уради?», деб ҳайрон бўлишибди. Шунда бир қиз: «Ота, тўғри қиласиз. Ўзи фикрламай, бирор ишга ташаббус қилмай, сиз нима десангиз шунга бажарадиган бўлса, бундай ўғилни уринг», дебди. Бу гапдан ҳалиги кишининг кўзлари чакнаб кетибди ва ўша қизни келинликка сўрабди...

— Топиб айтилган ривоят экан. Бола тарбиясида кези келганда тупроқ, кези келганда эса тўқмоқ бўлиши ҳам билиш керак экан. Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур!

Гулгун УСМОНОВА  
сўхбатлашди

Самарқанд вилояти

Спартакиада

## Шифокорлар майдонда

Самарқанд шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги Сиёб саломатлик техникуми спорт залида тиббиёт ходимларининг анъанавий «Саломатлик спартакиадаси» бўлиб ўтди.


Спортнинг бешта йўналиши бўйича бўлиб ўтган мусобақада уч юз нафардан зиёд тиббиёт ходими иштирок этди.

Барча турлар бўйича умумжамоа ҳисобида Пайарик тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлса, Тойлоқ ва Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмаси ходимларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди.

Шерали ҲОТАМОВ



Адабиёт



2007 йил 11 январда

Ўзбекистон

Матбуот ва ахборот агентлигида

116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акmal САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Кутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМУҚУЛОВ,  
Нодира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ  
(Масъул котиб — «Ishonch»),Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб — «Ishonch-Доверие»)Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти —  
(71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт —  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт —  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш —  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна —  
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлар, тахлилий, таъқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матбини билан танишишингиз мумкин.

**Худудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
Ж. НаҳановМусаҳҳиллар:  
А. Абулфайзов,  
Д. ХудойбергановаСаҳифаловчи:  
Ҳ. АбдуҷалиловБосишга топшириш вақти — 20:20  
Тошпирлиди — 21:00Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табақ.  
Буюртма Г — 706.  
27714 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нархда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharg» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ispoltek» банк  
Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959,  
СТПР: 201133889,  
ОКЭД: 58130